



КУН РАҚАМИ

Нефть-газ машинасозлигини ривожлантиришга бағишланган анжуманда 440 миллион долларлик шартномалар тузиш юзасидан меморандум имзоланди.

Тадбирда фавқулодда иқлимий ва техноген вазиятларни башорат қилиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш масаласи ҳам кўтарилди.



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 14 октябрь, сешанба, №110 (3611).

»» Президент

ТОЗА МУҲИТ, СОФ ҚАЛЬ, ОБОД ЮРТ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ “ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН” ЭКОЛОГИК ТАДБИРИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Kazinform. Астана шаҳридаги Ботаника боғида Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев кўнгиллилар ва ёшлар билан бирга кўчат экиш тадбирида иштирок этди.

2025 йилда бутун республика бўйича 2,4 миллион туп кўчат экилиб, экотизимни тиклаш ва атроф-муҳит муҳофазаси гоёси кенг тарғиб қилинмоқда.

Акция давомида Давлат раҳбари экологик фаоллик, аҳолида табиатга ҳамда яшил майдонларга бўлган меҳр-эҳтиёжни юксалтириш кераклигини таъкидлаб, ҳар бир фуқаронинг ўз имконияти доирасида иштирок этиши зарурлигини таъкидлади.

Kazinform. Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Қозогистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни”га бағишланган байрам тадбири ташкил этил-



Тадбир иштирокчилари дастлаб этномаданият бирлашмаларининг кўргазмасини томоша қилдилар.

Тантанали маросимда зиёлилар, вилоят ҚХА ҳузуридаги “Эл бирлиги” депутатлар гуруҳи ва Ассамблея аъзолари, этномаданият бирлашмалари раҳбарлари ва фаоллари, Ассамблея ёшлари, шаҳар аҳли ва меҳмонлар иштирок этдилар.

Байрам тадбирида Қозогистон халқи Ассамблеяси раиси ўринбосари, ҚХА котибияти мудри Марат Азилханов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев ҳамда вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишев сўзга чиқиб, жамиятдаги тотувлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик мамлакат тараққиётининг

асосий омилларидан бири эканини таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг Алматы шаҳридаги Бош консулхонаси биринчи котиби Эркинжон Абдуқаюмов Қозогистоннинг бағрикенглик ва бағриочиқлик сиёсати бутун жаҳон ҳамжамияти учун ўрнатилганлигини қайд этди. Шунингдек, Қозогистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжонов ҳамда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов нутқ сўзлаб, халқлар ўртасидаги бирдамлик ва дўстликни кўзнинг қорасидай асраш зарурлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида миллатлараро тотувликини мустаҳкамлаш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшган

бир гуруҳ фаол фуқаролар Президент фармонида асосан “ҚХАга 30 йил” ҳамда “Дўстлик уюшмасига 30 йил” юбилей медаллари, ҚХАнинг ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлари, шунингдек вилоят маслаҳати ҳамда ҳоким ўринбосари номидан тақдирландилар.

Бирлик ва дўстликка чорловчи тадбир вилоят маданият соҳаси ходимлари, Ўзбекистоннинг таниқли эстрада юлдузлари ҳамда этномаданият бирлашмалари бадий ҳаваскорларининг байрам концерти билан якунланди.

ТУРКИСТОНДА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ



Ватан – бу сўзда меҳр ва садоқат мужасам. У ҳар бир инсон учун муқаддас. Ватан – болалик нафаси уфуриб турган азиз макондир. Унинг тупроғи сизга илк бор “қайноқ ҳаёт” бағишлаган, унинг ҳавоси нафасингизга айланган, унинг суви қонингизга қўшилган. Шунинг учун ҳам Ватанини севиш, ардоқлаш – инсоннинг энг олий бурчи, виждони ва имонидир.

Инсон Ватаннинг бир парчасидир. Шу боис Ватан ҳақида гап кетганда, юрак титрайди. Ватаннинг тақдирини – сизнинг тақдирингиз, унинг оғриғи сизнинг оғриғингиз, унинг шарафи – сизнинг шухратингиздир.

Буюк бобокалонларимиз – Аҳмад Яссавий, Абай, Навоий ва Бобурлар Ватанини севишининг, унинг шон-шарафини асрашнинг ёрқин намунасидирлар. Улар илм ва ижод орқали Ватанимизни дунёга танитганлар. Заҳириддин Бобур узоқ юртларда шоҳ бўлиб яшаган бўлса-да, дилида Ватанга бўлган соғинчнинг шеърларга солди.

Ватанга хизмат қилишни ҳар бир инсон маънавий вазифаси деб билимоғи лозим. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, “Адолатли Қозогистонни фақат меҳнатсевар ва ҳалол фуқароларгина яратди”. Бу сўзлар ватанпарварлиқнинг замонавий мазмунини очиб беради, Ватанга муҳаббат – масъулият ва фидойиликдир. Давлат раҳбари раислик қилаётган Қозогистон халқи Ассамблеяси бугунги кунда юртимиздаги барча миллат ва элатларни бирлаштириб, Ватанга садоқат ва ҳамжиҳатлик руҳини мустаҳкамламоқда. Унинг фаолияти орқали тинчлик ва тотувлик ғоялари ҳар бир инсон қалбига сингиб бормоқда.

Туркистон шаҳри – бизнинг муқаддас тарихимиз ва маданиятимизнинг тимсоли. Бу шаҳарда Хожа Аҳмад Яссавийнинг бебаҳо мероси, аждодларимиз жасорати ва меҳнатсевар халқнинг руҳи мужассам. Туркистонлик ёшлар бугун қурилишда, илмий тадқиқотларда, санъатда, хизмат соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз юртларининг гўзал келажагини яратишда



Ватан – виждон,
руҳ ва муҳаббат
тимсоли

фаол, Ватанини севиш – айна шундай амаллар билан исботланади.

“Ватанини севмоқ – иймондандир”. Бу сўз – ҳаётий ҳақиқатдир.

Ватан сендан фақат бир нарсани кутади – садоқатни. У сенга меҳр бағишлаган, сендан фидойиликни умид қилади. Агар сен Ватанга муҳаббат билан яшасанг, у сени ўз қаноти остида асрайди, шон-шухратингни юксалтириб, номингни авлодларга етказди.

Доғистон халқ адиби Расул Ҳамзатовнинг ушбу сатрларига эътиборингизни қаратайлик: “Сендан, кимсан, деб суриштирганда, сен паспорт тингни кўрсатасан. Унда ҳамма нарса ёзилган. Агар бирор халқдан, кимсан, деб суриштира, у паспорт сифатида ўз вакилини, олимини, шоирини, бастакорини, арбобини, лашкарбошини кўрсатади. Тақдир мени қайларга улоқтирмасин, мен доим ўзим биринчи бор аргумоқ эгарлаган юртининг ўша тоғларнинг, ўша овулнинг элчисиман, вакилиман, деб ўйлайман. Қаерда бўлмай Доғистонимнинг махсус муҳбириман. Лекин Доғистонимга қайтганимда мен бутун мамлакатимнинг, ҳатто бутун дунёнинг муҳбириман”.

Бу сўзлардан аён бўладики, ҳар бир одам дунёга ўз халқининг вакили бўлмоқ учун келган. Ҳар дақиқа ана шу вазифани бажармоққа шай бўлмоғи керак.

Инсонга исм, бош кийим ва кулол беришади. Бешиқдан ўз халқининг қўшиқларини ўргатишади.

Ватандан узоқлашган одам, аслида, ўздан узоқлашади. Шунинг учун Ватанингни сев, ардоқла, ҳимоя қил – чунки сен бор жойда Ватан ҳам яшайди.

ТИЛ – МИЛЛАТ РУҲИ

Майли, ким қай тилдан шавқу завқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эртага она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман рози.

Расул ҲАМЗАТОВ.

Инсон ҳаётида шундай муқаддас тушунчалар борки, уларни изоҳлаш учун сўз, сўзлаш учун овоз, ифода этиш учун ҳатто қалб ҳам камлик қилади. Ана шундай тушунчалардан бири – она тилидир.

Одамзод дунёга келиб, ҳали болаликнинг пардаларидан чиқмасидан олдин, қалбига биринчи бор она қўшиғи сингади. У қўшиқ сўзсиз бўлиши мумкин, аммо унда тил бор – туйғунинг тили. Гўдак “она” деб овоз чиқарганида, у фақат бир сўзни эмас, бутун ҳаётга бағишладиган муҳаббатни айтади. Ана шу муҳаббат руҳи орқали инсон тилини, сўзини, ҳиссини англайди. Сўз инсон учун нафақат восита, балки – вужуддир.

Тил – миллат руҳининг, халқнинг маънавий оламининг ифодасидир. У орқали ҳар бир миллат ўз тафаккурини, ҳис-туйғуларини ва дунёқарашини ифода этади, ўз тарихини, маданий меросини авлоддан авлодга узатади. Тил – халқнинг ўтмиши билан келажагини боғлаб турувчи қўрик, миллатнинг ҳаёт нафасидир.

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тили ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмоқ – миллат руҳини йўқотмоқдир”, деб буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний беҳиз айтмаган эди.

Бу сўзларда қанчадан-қанча ҳикмат мужасам. Чунки тил бор жойда миллатнинг руҳи, ўзлигини англаш ҳисси бор. Тилидан ажралган халқ эса ўз тафаккури ва маданиятидан жудо бўлади.

Тарих гувоҳ: босқинчи кучлар ўзга халқларни тобе қилиш учун, аввало, уларнинг тилига зарба беради. Чунки тилсиз миллат – йўналишсиз кема каби. Собиқ шўролар даврида ҳам ана шундай сиёсат юритилди – рус бўлмаган халқларнинг тилларини сиқиб чиқариш, уларни ягона социалистик “миллат” ичида сингдириш ҳаракатлари шундан далолат.

Тилга эътибор уни ўзгартириб, бойитиб, ривожлантириб боради. Шу боис тилнинг ривожини – миллатнинг маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқдир.

Она тилимиз – халқнинг миллий руҳий бойлиги, маданиятимизнинг ўзағи, мизнинг ўзлигимиздир. Унинг ҳар бир сўзида аждодлар садоси, ҳар бир иборасида юртининг табиати ва қалби мужассам.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

»» Заковатли миллат

ЯНГИЛАНГАН МАСКАН – ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Юрт тараққиёти ва келажак авлод тарбияси, аввало, замон талабига жавоб берадиган таълим муассасалари фаолиятига чамбарчас боғлиқ.

Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор натижасида йилдан йилга мактабларимиз замонавий қиёфа касб этмоқда. Тулкибош туманининг Озодлик қишлоғидаги А. Навоий номидаги мактаб ҳам шулар жумласидандир.

раҳмат. Бу ишда қишлоқ бийи, туман маслаҳати депутатлари, туман фаоллари барчаси бош-қош бўлишди. Билимлар кунини янгиланган мактабда қарши олдик. Муассасанинг янги иморати 2004 йили, эски иморати эса 1970 йили қурилган. Эски иморати ҳам санокли кунларда таъмирдан чиқади. Тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Аҳмаджон Қўшқов 1970 йили мазкур мактабнинг биринчи синфига қадам қўйганини айтиб ўтган эди. Янги иморатимиз,



Янги ўқув йили арафасида таъмирдан чиққан мазкур маскан устоз ва шогирдларига замонавий шароитда таълим олиш имконини яратди. Мактаб директори Ғани Буртаевни иш устида учратдик.

– Жамоангиз раҳбари – “Жанубий Қозоғистон” газетаси муҳаррири билан мактабимизга май ойда ташриф буюрганингиздаги мазкур иморатдаги ҳолатни эслайсизми? – дея, бошлади суҳбатни Ғани Инкарули. – Ўшанда синфхоналарни бўшатиб, туб таъмирга тайёргарликни бошлаган эдик. Мактаб 26 август куни фойдаланишга тайёр бўлди. Бунинг учун пудратчи корхона раҳбари ҳамда ишчиларига катта

қарийб йигирма йилдан сўнг тубдан таъмирланди. 60 нафар муаллимимиз 400дан зиёд ўқувчига билим бермоқда. Бу эзгу ишга туман ота-оналар қўмитаси раиси Мирсоли Мирзизов – менинг устозим бош-қош бўлган. У киши туман таълим бўлимида қарийб 35 йил фаолияти мобайнида мактабимизга масъул сифатида фаолият юритган. Унга ва Озодлик қишлоғи бийи Дуйсен Мақсубековга шахсан миннатдорчилик билдираман.

Директорнинг ўқув ишлари бўйича муовини Асия Жумабекованинг айтишича, жорий йилда 18 нафар битирувчи орасидан бир нафар аълочи ҳамда бир “Алтын белги” соҳиби етишиб чиқди.

– Айниқса, тўрт нафар битирувчимиз таълим грантларига эга бўлиб, келажакдаги йўлини муваффақият билан белгилаб олгани қалбимизни фахр ҳиссига тўлдирди. Бу ютуқлар тасодифий эмас, балки устозлар жамоасининг фидойилиги, соҳага садоқати ва машаққатли меҳнатининг самарасидир, – деди у.

Шароитлар яратилган билим масканида рақобатбардош шогирдлар сафи ортаётгани эътиборга молик. Бу ҳолат юртимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалдаги самарасидир.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» «Қорачиқ-М» мактабида



Саврон туманидаги “Қорачиқ-М” мактаби директори Султонмурод Ибрагимов таклифи билан қишлоқ мактабларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрий устозларга аталган анжуманга ташриф буюрдим.



Ўтган ўқув йилида мактабни 29 ўқувчи битирган (битта олтин белги), уларнинг 13таси давлат гранти, 5таси эса тўловли асосида – жами 18 битирувчи нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олмоқда. Бу – яхши кўрсаткич. Устозлар, ота-оналар, ўқувчилар тигиз ҳамкорлигининг меваси. Мактаб янги эса-да, яхши анъаналари кўп. Қорачиқ қишлоғида ёш авлодга таълим-тарбия берган, бугунги кунда фахрий ҳордиқда кексалик гаштини сураётган собиқ устозларни файзли анжуманга чорлаб, кўнгилларини чоғ қилиш мақсадидаги бугунги тадбир шуларнинг бири. Алвон гиламтўшалган фойеда мажлис залига етгунга қадар йўлакнинг икки томонида ҳар бир меҳмон устоз ҳақида суратли маълумотлар жамланган стендлар тайёрлаб қўйилганиги ташиклотчи устозларнинг масъулиятидан далолат.

Тадбирга ташриф буюрган фахрий устозларнинг барчаси доимий обуначиларимиз. Уларнинг исми-шарифини эҳтиром ила тилга ола-

ФАХРИЙ УСТОЗЛАРГА АТАЛГАН АНЖУМАН

миз. Иззат Отаева, Ибодат Мамметова, Хурсанд Ғанишева, Клара Эрметова, Башорат Нишонова, Гулхон Тўрахонова, Собира Мамматова, Собира Файзиметова, Шакар Неъматова, Дилдор Аҳмедова, Гулбаҳор Каримбоева, Аҳмаджон Эрметов, Музаффар Умаров, Жаъфар Маменов, Хайрулла Турсунметов, Жонбобо Қаюмов, Гулбаҳор Қаюмова, Камол Отаев, Шарофат Ибрагимова, Зумрад Бобохонова, Лазиз Абдуллаев, Ўғилпочча Фай-

қолган ибора, мақол ва сўз бирикмалари кимга тегишли эканлиги топишмоқ сифатида берилиб, файзли, қизиқарли гуруннга сабаб бўлди. Ҳар бир устозга аталган саволларга жавоблар видеоларча орқали сахнадаги экранга чиқарилди. Икки соатлик қизиқарли, мазмунга бой анжуман барчага – мезбон ва меҳмон устозларга яхши кайфият бахш этди.

Султонмурод Ибрагимов бошқарган устозлар жамоасига ажойиб



зиметова, Ғулмон Нишонбоев, Қаҳҳор Ғанишев даврага жойлашгач, директор Султонмурод Ибрагимов анжуманни очиб, нафақадаги кадрли устозлар бугунги ёш ўқитувчилар учун ибрат мактаби эканлигини алоҳида таъкидлади. Ўқитувчи Фароғат Ғанишева бошқарган ушбу анжуманда устозларга аталган савра шеърлар ўқилди, ҳамкасблари ва ўқувчилари ёдида муҳрланиб

анжуман учун самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: мактаб директори Султонмурод Ибрагимов ва тадбирга таклиф этилган нафақадаги устозлар.

Муаллиф тасвирлари.

»» Обуначиларимиз орасида

МАКТАБ ҚУРГАН – ЭЛДА АЗИЗ



Саврон туманидаги собиқ Тошнок, ҳозирги Бершинтўбе қишлоғида истиқомат қиладиган фаол жамоатчи обуначимиз Жўрабой Бобошев мустақилликнинг илк йилларида ташаббус кўрсатиб, ҳашар йўли билан мактаб қурган, спортнинг кураш туридан вилоят миқёсида кураги ерга тегмаган полвон сифатида элда ҳурматли – таниқли инсон.



– Қишлоғимиздаги илк мактаб 1927 йили иқоник меценат Саидмурод Бўлис харажатида қурилган. Уни таъмирлашга ўзим раҳбарлик қилганман. Бино ҳозир

ҳам яхши сақланган. Бошланғич мактаб йўқлигидан ҳамқишлоқларим фарзандларини олисдаги Чога қишлоғига катнаб ўқиш машаққатидан халос этиш учун ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўртала-рида ўша кездеги туман ҳокими Мирилёс Мирқодировга мурожаат этдим. Муаммони батафсил тушунтирдим. У пайтлари туман бюджетида ортиқча маблағ йўқ эди. Фақат ҳашар йўли билан қурилишни бошлаш мумкин эди. Туман ҳокимига раҳмат. Мактаб қурилишига руҳсат берди. Таваккал ила ғайрат камарини боғлаб, бошлаган қурилишимиз муваффақиятли ниҳоясига етди. Қийинчиликларни енгиб, қурган мактабимиз шарофати мўл бўлди. Туркистон шаҳар ҳокими А. Ўсербоев дав-рида қишлоғимизда ҳозирги замонавий икки қаватли мактаб қурилиб, фойдаланишга берилди. Мен қурган мактабнинг бир қисми бугунги кунда ёш авлод спорт билан шуғулланиши учун фойдаланилиб, талай-талай чемпионлар етишиб чиқаётганлиги шонли тарих. Туркистон шаҳрида истиқомат қилувчи таниқли тадбиркор, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, халқ ҳурмати ордени соҳиби Мирзахон

га бош-қош бўлаётган бу ҳимматли инсонни шу ойда 70 ёшга тўлиши шодиёнаси билан оилам, ҳамқишлоқларим номидан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик ва омад тилайман, – деди келаси йили 80 ёшни қаршилайдиган маориф соҳаси фидойиси Жўрабой Бобошев.

Ж. Бобошев 1946 йили 14 ноябрда таваллуд топган. Умр йўлдоши Зулфия



Абдужаббор қизи билан Нигора, Гулистон, Эргаш, Ҳикоят, Ровза, Нурмат исми қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказган. Улар мустақил Қозоғистон равнақи учун маориф ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. 2021 йилнинг 17 сентябрида оламдан ўтган хонадон соҳибаси, фарзандларининг суюкли волидаи муҳтарамаси, невараларининг меҳрибон буvisи бўлган Зулфия ая хотираси унинг қадрдонлари қалбида ҳамisha барҳаёт.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Ж. Бобошев невараси Муҳаммадсодиқ Нурмат ўғли билан; хонадон соҳибаси Зулфия Абдужаббор қизи ўғли Эргашбой ва невараси билан; Ў. Жанибеков номли мактаб директори Дилмира Файзиева ҳамкасблари билан Ж. Бобошеви устозлар байрами кунини муборакбод этмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Туркистон шаҳридаги Конгресс холл мажмуасида «Ҳуқуқий маданият – ёрқин келажак омили» мавзuida ёшлар анжумани ўтди.

Тадбирда Туркистон шаҳри ҳокимининг ўринбосари Мекенхан Қўзиханули сўзга чиқиб, жамият тараққиётида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Тадбирнинг асоси – ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, маънавий қадриятларни тарғиб этиш, ахборот хавфсизлиги ва кибермаданият масалаларини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Тадбирда шаҳар прокуратураси, полиция бошқармаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, шунингдек, маҳаллий ёшлар иштирок этди. Учрашув давомида соҳа мутахассислари ёшлар билан эркин шаклда фикр алмашиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. ҚМДБ вакили Нурлан Асанов ёшларни маънавий тарбияга эътибор қара-тиб, ахлоқ-одобга чорлади. Руҳшўнос Салтанат Сайлау қизи шахсий ривожланиш ва ўзини ўзи англаш, шунингдек, ҳуқуқий маданиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр билдирди. ИТ мутахассиси Ғасир Қаралбайули ахборот хавфсизлиги ва кибермаданият мавзuida мазмунли мулоқот юритиб, замонавий технологиялардан хавфсиз фойдаланиш юзасидан тавсиялар берди.

Анжуман якунида ёшларга ҳуқуқий ва маънавий маданиятни ривожлантириш, ахборот саводхонлигини ошириш ва шахсий хавфсизлиқни таъминлаш борасида тавсиялар берилди. Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий тартиб-интизом, масъулиятни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Туркистон шаҳар ҳокимининг маъбуот хизмати.

ХАБАРЛАНДИРУ

Тапсырыс беруші МКМ «Ш.Ниязов атындағы жалпы білім беру мектебі» Түркістан облысы, Түркістан қаласы, Ш. Ниязов көшесі, 21 үйде орналасқан мектепке жасалған «Қоршаған ортаны қорғау» бөлімі бойынша жария талқылаулар нысанында қоғамдық тыңдаулар өткізеді:

Жобаны өзірлеуші ЖК Ауешова Н.П., байланыс тел. 87013346738, эл.адрес: eko_him @bk.ru; Мекен-жайы: Шымкент қ. Қаратау ауданы, Қайтпас-1 м/а, Көркем көш., 49. Жергілікті атқарушы органның эл.пош-тасы: a.erkebei@ontustik.gov.kz.

Барлық ұсыныстар мен ескертпелерді ағымдағы жылдың 20 қазаннан бастап 5 (бес) жұмыс күні ішінде жоғарыда аталған эл.поштаға және ақпараттық жүйеге жолдауға болады (https://ndbecology.gov.kz/).

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Заказчик – ГКП «Общеобразовательная школа им.Ш.Ниязова» проводит общественные слушания в форме публичных обсуждений по разделу «Охрана окружающей среды» для общеобразовательной школы им.Ш.Ниязова, расположенный в Туркестанской области, г.Туркестан, ул.Ш.Ниязова, 21.

Разработчик проекта ИП Ауешова Н.П., конт.тел. 87013346738, эл.почта eko_him@bk.ru; Адрес: г.Шымкент, Каратауский район, мкр. Кайтпас-1, ул.Коркем, 49. Эл.почта местного исполнительного органа a.erkebei@ontustik.gov.kz.

Все замечания и предложения можно отправить в течение 5 (пять) рабочих дней с 20 октября текущего года по вышеуказанному эл.адресу и в информационной системе (https://ndbecology.gov.kz/).

»» Бизнинг мусохаба



Вилоятимизнинг қадимий масканларидан бири – Манкент қишлоғи бугун янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Замон талабларига ҳамоҳанг тарзда қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфаси кундан-кунга яхшиланиб, чирой очмоқда.

Қишлоқ ҳокими Ҳикмат Ирисметов 1973 йили Манкент қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини С. Раҳимов номли мактабда бошлаб, турли йилларда мазкур масканда педагог-руҳшунос, директорнинг инновациялар, тарбиявий ишлар ҳамда ўқув иши бўйича ўринбосари, мактаб директори вазифасини вақтинча бажарувчи, шунингдек, Ш. Рашидов номли мактаб директори лавозимларида самарали хизмат қилган.

2024 йилнинг декабридан Манкент қишлоғи ҳокими сифатида иш бошлади.



– Ҳикмат Тўйчибой ўғли, ҳоким сифатидаги фаолиятингиз, дастлабки таассуротларингиз ҳақида нима дейсиз?

– Мактабдаги фаолиятим билан ҳокимлик хизматимнинг ўртасида улкан фарқ бор, албатта. Дастлабки кунларимда янги масъулиятга кўникиш осон кечмади. Муҳими, халқнинг ишончини оқлаш, жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда қишлоғимизни ривожлантириш.

– Янги босқичдаги ютуқларингизга тўхталсангиз?

– ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг жорий йилги “Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали” Мақтубида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, аҳолининг турмуш шароитини юксалтириш вазифаси белгиланди. Туман маслаҳати депутатлари, маҳалла кўмиталари раислари, жамоат фаоллари билан қатор ишлар амалга оширилди.

Манкент қишлоқ округининг майдони 10359 гектар. Худудда 6058та хонадон мавжуд бўлиб, 25та этнос вакиллари, жами 35 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Аҳолининг аксарияти қишлоқ хў-



жалиги соҳасида банд, шунингдек, тадбиркорлик билан ҳам шўғулланади. Манкент қишлоғида 14та умумтаълим мактаби, 11та болалар боғчаси, 10та ИЧШ, 1019та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. 10 гектар ерда томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган. Иссиқхоналар майдони – 1,47 гектар.

Жорий йилнинг тўққиз ойида қишлоқ бюджетининг даромади 401 миллион тенгени ташкил этиб, режа 105,7 фоизга бажарилди. Қишлоқдаги “Рассвет” ИЧШ, “Дауит мастер”, “Эл-деніз”, “Самид мастер”, “Тўран Агро-Сўт” МЧБлар бир кеча-кундузда 15 тоннагача сут маҳсулотларини қайта ишлайди.

Қишлоқда аҳоли саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йил ноябрь ойида “Ревита” клиникасини, шунингдек, 3та йирик савдо ўрни, 2та қаҳвахона, дорихона, савдо марказлари, автоновиш ва автотъмирлаш корхоналарини фойдаланишга топшириш режаланган.

– Янги лойиҳалар ва ободонлаштириш ишлари қай тарзда амалга оширилмоқда?

– Қишлоқда 52та кўча мавжуд. 34та масжид ва 5та намозхона фаолият юритмоқда. Ижтимоий тармоқдаги “Манкент янгиликлари”, “Ишчи гуруҳ”, “Манкент тадбиркорлари”

каби гуруҳлар орқали қишлоқ янгиликлари эълон қилинади.

“Манкент Тазалық” корхонаси 5200 хонадон ва хусусий тадбиркорлик иншоотлари билан шартнома тузиб, чиқинди ва ахлатларни ташвишмоқда. Бешкўрғон аҳоли манзили ҳудудидаги 7 гектар ер майдони ахлат полигони учун ажратилиб, хужжатлари расмийлаштирилмоқда.

Қишлоқ бюджетига тушган маблағлар ҳисобидан Фурқат, Алмати-1, Улғубек, Р. Тошев, Ғулом ота, Абдиқодиров, Қурбонов, Қайрағоч-1 ва Қайрағоч-2 каби кўчалардаги симёғочлар янгиланди. Ибн Сино, Беруний ва Қайрағоч кўчаларига ёритгичлар ўрнатилди. Улғубек кўчасида болалар учун ўйин майдончаси бунёд этилади. Ушбу кўламдор ишларни амалга ошириш мақсадида жами 189955,6 тенге маблағ сарфланди.

Ички йўллارни ўртача тъмирлаш мақсадида “Овул – эл бешиги” лойиҳаси доирасида узунлиги 7 чакирим бўлган Абдиқодиров, Қорабоев ва Ў. Қурбоналиев кўчаларида 231690 минг тенгелик иш бажарилди.

– Бу ишлар ортида фаол фуқароларнинг ҳиссаси салмоқли, тўғрими?

– Албатта, Манкент қишлоғининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига Бахтиёр Эргешов, Абдигани Мавлонов, Саъдулла Қосимов, Шавкат Эр-

гешов, Иззатулла Эргешов, Бахтиёр Холиддинов, Ҳабибулла Муҳиддинов, Рустам Савуrows, Дилмурод Иброҳимов, Илҳом Сармонов каби меҳнат фахрийлари, маҳалла кўмиталари раислари ва оқсоқоллар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар долзарб масалаларни ҳал этишда ўзларининг маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам беришмоқда.

Шу ўринда қишлоқни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳомийлик ёрдамини кўрсатётган Ирисали Бекенов, Ирискул Комилов, Дониёр Қўрғонов, Бегзод Сайдирахимов, Мирсаид Иристов каби тадбиркорларнинг номини алоҳида атаб ўтиш жоиз.

– “Жанубий Қозоғистон” газетаси жамоасига тилақларингиз...

– Газета ахборот воситаси, маънавиятимиз, юксак минбаримиздир. Шу боис фахру гуруримиз, мавжудлигимиз белгиси бўлган “Жанубий Қозоғистон” газетасини қўллаб-қувватламоғимиз, қадрига етмоғимиз жоиз. Жамоага ижодий муваффақият, юксак парвозлар тилайман.

– Самимий суҳбат учун ташаккур! Келгуси фаолиятингизда омад ёр бўлсин!

З. МҮМИНЖОНОВ
суҳбатлашди.

Тасвирларда: қишлоқ ҳаётидан лавҳалар.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ТИББИЁТ СОҲАСИ ФИДОЙИЛАРИ

Соғлом жамият – юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигининг асосий омилidir. Бу йўлда соғломлаштириш тизимининг фидойи ва касбига садоқатли ходимларининг хизмати алоҳида эътирофга сазовор. 2-сонли Сайрам туман “Қорабулоқ” касалхонасига қарашли Орис қишлоқ шифокорлик амбулаторияси жамоаси аъзолари ана шундай юксак масъулият билан иш юритишмоқда. Жумладан, мазкур муассаса мудираси Раъно Ортикова ҳамда малакали шифокор Мунаввара Иброҳимовалар ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган мутахассислардир.



Мунаввара опанинг Қарағанди тиббиёт институтини тамомлаганига 34 йилдан ошди. Шу йиллар давомида минглаб беморлар унинг меҳри ва эътибори туфайли шифо топди. У ишини касб эмас, балки инсонпарварлик бурчи – ҳаётининг мазмуни деб билади. Шу боис, уни ҳамкасблари ҳам, қишлоқ аҳли ҳам тиббиёт соҳасининг фидойиси сифатида эъзозлайди.

– Шифокор Мунаввара Иброҳимова ва ҳамшира Нодира Мазибоевалардан чексиз миннатдорман, – дейди 87 ёшли меҳнат фахрийси Сайдивали Сотволдиев. – Улар-

нинг меҳри ва эътиборидан қишлоқ аҳли мамнун. Камина Оқсувкент ва Қорамурт қишлоқларида фельдшер бўлиб ишлаганман, шундай экан, бу касбнинг машаққатини яхши биламан. Мунаввара каби шифокорлар бор экан, халқ соғлиги ишончли қўлларда, дейиш мумкин.

М. Иброҳимова тиббиёт соҳасидаги янгиликларни мунтазам ўрганиб, ўз малакасини оширишдан тўхтамайди. Унинг фикрича, беморларни нафақат дори, балки меҳр билан ҳам даволаш зарур. Шу боис, унинг ҳар бир сўзи, табассуми ва эзгу ниятини одамлар муложа сифатида қабул қилишади.

“Ҳар бир бемор яқинларимдек азиздир”, дейди шифокор. У фаолияти давомида кўплаб беморларга шифо улашар экан, ҳар бир инсон ҳаёти учун масъулиятни ҳис этади.

Мунаввара Иброҳимова каби фидойи шифокорлар бор экан, қишлоқларда соғлом муҳит, халқ орасида ишонч ва миннатдорлик ҳисси мустаҳкамланаверади. Улар – жамиятимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: шифокор М. Иброҳимова ва ҳамшира Н. Мазибоева; амбулатория мудираси Р. Ортикова ва шифокор М. Иброҳимова.

»» Саломатлик

«ҲАЁТ» КЛИНИКАСИДА ҲАЁТ БАҒИШЛАЁТГАНЛАР

Шимкент шаҳрининг Сайрам мавзесидаги Баҳодир Абдукаримов таъсисчилигида барпо этилган “Ҳаёт” хусусий клиникаси фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаса-да, малакали мутахассисларни ишга жалб қилганлиги боис минтақада ўз мавқеига эга.



Бош шифокор Ойбек Йўлдошев раҳбарлигида шифокорлар, ҳамширалар беморлар дардига даво топиб, саломатликларини тиклаш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Жарроҳ Муроджон Камолжон ўғли ёш мутахассис бўлса-да, қўли енгиллиги боис, унга мурожаат

қилаётган беморларнинг саноғи йўқ. Алмати шаҳридаги Санжар Асфендияров номли Қозоқ миллий тиббиёт университетининг жарроҳлик бўлимидаги тажрибали мутахассислар қўли остида етти йил таҳсил олган Муроджон Камолжон ўғли бир муддат Алмати шаҳридаги тиббиёт муассасида фаолият

юритди. У ерда турли жарроҳиларда қатнашиб, малакасини оширди. “Ҳаёт” клиникасида жарроҳ М. Қурбонқуловга яра-чақаларни ўраб-боғлаб, малҳам қўйишда кўп йиллик тажрибага эга Фариди Сайрамбоева кўмаклашмоқда.

Хуршид КҮЧҚОРОВ.

“ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ”

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳолини юқумли ва хавфли касалликлардан муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Албатта, қишлоқ тиббиётини ривожлантириш бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этиш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, профилактик хизмат сифатини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаммабон сифатли тиббиёт билан таъминлаш – “AMANAT” партияси сайловолди дастурининг вилоят йўл харитасига киритилган муҳим йўналишлардан бири.

Вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларида янги юқори технология усулларини жорий этиш масаласи ҳам мазкур йўл харитасининг устувор тармоқларидан бири.

Яқинда Жетисай туман марказий касалхонаси замонавий тиббий ускуналар билан таъминланиб, янги травматология бўлими ишга туширилди. Бу лойиҳа туфайли беморларнинг суяк-бўгин жароҳатларини даволаш, синган аъзоларни аслига келтириш каби мураккаб жарроҳларни маҳаллий тиббиёт марказларида амалга ошириш имкони яратилди. Илгари бундай мураккаб амалиётлар фақат йирик шаҳарларда амалга ошириларди.

Беморларга касалхона бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари М. Бугибаев, травматология бўлими мудир П. Сидиқов, анестезиолог-врач Н. Жайноров каби малакали травматолог-шифокорлар хизмат кўрсатмоқда. Улар остеосинтез усулини ўзлаштириб, синган суякларни махсус металл ускуналар ёрдамида амалга оширишмоқда. Бу – суякнинг тўғри битиб, аслига келлини таъминлайди.

Касалхонанинг бош шифокори Бейбит Тўрахановнинг таъкидлашича, туманда фуқароларни сифатли ва ҳаммабон тиббиёт хизматлари билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ташқаридан мутахассислар қақирма, мураккаб жарроҳликларни шифокорларнинг ўзлари амалга ошираётгани туман тиббиёти учун катта ютуқдир.

Дастлабки амалиёт чоғида ёпиқ мия жароҳати ва сон суягининг юқори ва ўрта қисмлари синган беморга экстремедуллярли имплант ўрнатилиб, ўнг сон суягига ёпиқ турдаги жарроҳлик ўтказилди. Ҳозирда беморнинг аҳволи қониқарли.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар замирида инсон ва унинг ҳаёти, тиббий-ҳуқуқий манфаатлари, турмуш фаровонлиги ва энг муҳими унинг саломатлиги устувордир.

М. УСМОНОВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.		Масъул шахслар: <i>Туркистон, Сағрон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i> <i>Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42</i> <i>Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i>		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR.rp” МЧБ босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.		МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.		Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска. Бўғим: 2334. Навбатчи муҳаррир: Хуршид КҮЧҚОРОВ.		
				Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		